# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 27 июнь, № 127 (8750) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 июнь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия миллий мудофаа вазири Яшар Гюлер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашув аввалида Туркия мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Президент Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Анқара шаҳрига 5-6 июнь кунлари амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, жумладан, яқин идоралараро алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма тадбирлар ташкил этиш, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнларини ёритиш, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Тайпатов Абдижалол Гаппарович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳудудий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

**Темиров Собиржон Ғуламович** — Бешариқ тумани «Бешариқ тонги» газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдусаматова Мукаддас Салиховна** — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

**Бекназарова Саодат Узбековна** — «Овози тожик» газетаси катта мухбири

**Джураева Дилфуза Джангировна** — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист, Сурхондарё вилояти

**Кляцкий Григорий Николаевич** — «Ishonch-Доверие» газетаси бўлим муҳаррири

**Левченко Сергей Владимирович** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

**Нугманов Равшан Якубджанович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшиттириш уйи овоз ёзиш хизмати режиссёри

**Очилов Қудрат Менглиевич** — «Бир сафда» журнали масъул котиби

**Палуанова Мнайим Пирназаровна** — «Nukus-Sayahat» масъулияти чекланган жамиятининг «Жаслар-ТВ» телеканали ва «Нукус-ФМ» радиоси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Содиков Икром Мамадалиевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари

**Тохиров Халимжон Тургунович** — «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари таҳририятининг «Andijonnoma.uz» интернет нашри муҳаррири

**Хакимов Талип Адилович** — Нурафшон шаҳри «Машъал» газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Боймирзаева Саодат Ураковна** — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг матбуот котиби

**Муминов Файзулло Абдуллаевич** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг жамоатчилик билан алоқалар кафедраси профессори

**Хасанова Захро Тулкуновна** — «Гулхан» журнали бош муҳаррири

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Имомхўжаев Зафар Ахбарович** — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Абдурахимов Муслимбек Фозил ўғли** — «Zo'r TV» телеканалининг «Bu kun» информацион дастури раҳбари

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдукадиров Дилшод Ахмеджанович** — «Kun.uz» интернет нашри бош муҳаррири

**Абдурахманова Феруза Абдуганиевна** — «Mening yurtim» телеканали бошловчиси

**Абидов Азиз Агзамович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази бошлиғи — матбуот котиби

**Алимухамедов Туйгун Вахабович** — «Ўзбекистон кўзи ожизлар босмахонаси» давлат унитар корхонаси муқоваловчиси

**Базаров Бахриддин Хайдарович** — «Akademnashr NMM» масъулияти чекланган жамияти бош рассоми

**Байтураева Гулжамал Оринбасаровна** — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

**Вохидова Нозима Рахимовна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat telekanali» давлат муассасаси кино-видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти катта муҳаррири

**Гулямова Дилфуза Иззатовна** — «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририятининг Навоий вилояти бўйича махсус мухбири

**Джамалов Кахрамон Джумаевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири

**Джумабоева Рахима Мустафаевна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

**Зокирова Турсунтош Нормуродовна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи мухбири

**Иноятова Назира Сайпуллаевна** — «Авторадио» радиоси дастурлар бўйича директори ва эфир бошловчиси

**Кличбаев Абатбай Реимбаевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари

**Матчанова Интизор Жумабоевна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали Хоразм вилояти бўйича мухбири

**Муротова Муслима Камолидиновна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» радиоканали режиссёрлар гуруҳи сухандони

**Ниязов Норбек Рамазанович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали янгиликлар муҳарририяти бош муҳаррири

**Пирнафасова Муҳайё Рустамовна** — «Жадид» газетаси адабий муҳаррири

**Саидов Шеродил Худайбердиевич** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг чоп этиш цехи устаси

**Сулайманова Алия Исмаиловна** — «Darakchi.uz» интернет нашри бош муҳаррири

**Сулаймонов Шодмон Султонович** — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари таҳририяти бош муҳаррири, Бухоро вилояти

**Шамсиддинов Ёлқин Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

**Эшонқулов Замон Асрорович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи махсус мухбири

**Юсупов Аҳмад Менгнимуратович** — «Daryo.uz» интернет нашри бош муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 25 июнь

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, ўз истеъдоди ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, миллий журналистикамиз жонкуярларини, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маълумки, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қоида ва тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилмахиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг қонуний мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўрнингиз ва таъсирингиз тобора ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу ўринда газета ва журналларимиз, теле ва радиоканаллар, ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги долзарб чиқишлар, муаммоли масалалар юзасидан мутахассис ва экспертлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, таҳлилий шарҳлар, баҳс-мунозаралар сезиларли равишда кўпайганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий ва таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Мухтасар айтганда, куюнчак ва олийжаноб журналистларимиз, фаол блогерларимиз ўзларининг қатъий позицияси, ҳаққоний сўзи билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш, юртдошларимизнинг фикрини, дунёқарашини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси миллий медиа воситаларимиз "тўртинчи ҳокимият" даражасига яқинлашиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай юксак маррага етиш осон эмаслиги, бу йўлда тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиийдир.

Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, бу борадаги ишларимизни қатъият билан давом эттирамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат "тўртинчи ҳокимият", балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда.

Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва довюрак, Ватанни чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонлар тобора кўпроқ бўлишини тақозо этмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим, деб ўйлайман.

Шунингдек, бугунги кунда ёлғон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаётган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт.

Сиз, ҳурматли медиа тармоқлари вакиллари ана шундай масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Албатта, соҳада хизмат қилаётган барча юртдошларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ушбу қувончли айёмда сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган оммавий ахборот воситалари ходимларини чин дилдан қутлайман.

Изланиш ва илҳом завқи, янги ижодий ютуқлар сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азизлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Эътироф

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТГА БЕРИЛГАН МУНОСИБ БАҲО

*Пойтахтимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сана муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қоида ва тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилмахиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

→ 4

# Мамлакатларимиз истиқболига йўналтирилган муҳим битимлар имзоланди

*Мамлакатимиз ташқи сиёсатида очиқлик ва барча давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабат ўрнатиш мақсади етакчилик қилади. Шу боис охирги йилларда мамлакатимиз Президентининг саъй-ҳаракати билан нафақат минтақамиздаги, балки дунёнинг турли жойларидаги давлатлар билан изчил алоқалар йўлга қўйиб келинмоқда. Буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг юртимизга амалга оширган илк ташрифи ҳамда шу жараёнда эришилган келишувлар ва бошқа натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

**Фикр**

Аввало, ташриф давомида ҳар икки давлат истиқболига йўналтирилган муҳим битимлар имзоланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Айни чоғда самимий тарзда кечган учрашувда сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш ҳамда хавфсизлик соҳасида алоқаларни фаоллаштириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Музокаралар давомида савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масаласи кенг таҳлилдан ўтказилди. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини, аввало, талаб юқори маҳсулотлар номенклатураси ҳамда ҳажмини кенгайтириш ва пировардида савдо ҳажмини 5 — 10 бароварга ошириш, бунинг учун етарли салоҳият мавжудлиги урғулаб ўтилди. Дарҳақиқат, ҳар иккала давлатнинг бу борада имкониятлари катта. Фақатгина улардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади, холос.

Айтиш жоизки, музокаралар асносида маданий-гуманитар алоқалар ва алмашинувларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар иккала мамлакатда шу йўналишларда катта тажриба мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш томонлар манфаатига бирдек хизмат қилади.

Бир пайтлар биздаги олий ўқув юртларида ўқиган мўғулистонликлар бугун дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Демак, бу борадаги ишларни қайтадан йўлга қўйишимиз керак бўлади. Энг нуфузли университетлар ўртасида академик алмашинувларни йўлга қўйиш, грантлар асосида иқтидорли мўғулистонлик ёшларни Ўзбекистонда ўқитишни қайта тиклаш бугун жуда муҳим. Эришилган келишувлар бу борада муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Кези келганда, икки давлат халқларини янада яқинлаштириш мақсадида Гуманитар ҳамкорлик дастурини тайёрлаш ҳамда келгуси йилда Тошкент ва Улан-Баторда маданият кунларини ўтказиш таклиф қилинганини мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Негаки, бундай тадбирларнинг халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришдаги ўрни беқиёс.

Икки мамлакат ўртасида мавжуд визасиз тартибни инобатга олган ҳолда, қўшма дастурлар ва маҳсулотлар асосида туризм алмашинувларини изчил ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш, спорт ва ёшлар соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйиш бўйича ҳам келишувларга эришилди.

Шу ўринда Мўғулистон Президенти бошчилигидаги делегация Олий Мажлис Сенатида бўлиб, сенаторлар билан мулоқот ўтказганини таъкидлаш ўринли. Учрашувда Ухнаагийн Хурэлсух икки давлат етакчиларининг сиёсий иродаси туфайли бугун Ўзбекистон — Мўғулистон ўртасидаги алоқаларда янги саҳифа очилиб, ўзаро алоқаларимиз юқори босқичга кўтарилганини алоҳида урғулади. Айни пайтда Ўзбекистон — Мўғулистон парламентлараро дўстлик гуруҳларининг фаолиятини янада жадаллаштириш ва шу йўналишда тегишли ҳамкорлик ҳужжатларини қабул қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Ишонамизки, бундай саъй-ҳаракатлар тез фурсатда ўзининг самарасини беради. Яъни яқин истиқболда парламентлараро мулоқотимиз ўзининг юқори босқичига кўтарилади.

Умуман, Мўғулистон Президентининг илк ташрифи муҳим воқеаларга бойлиги, хусусан, мамлакатларимиз истиқболига йўналтирилган битимларга эришилгани билан тарихий аҳамият касб этди. Ушбу битим ва келишувларда кўзда тутилган вазифалар ижроси мутасаддилар билан бир қаторда биз, халқ вакилларидан ҳам катта масъулият талаб қилади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

**Қонунчилик палатаси қўмиталарида**

# Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай муаммолар бор?

*Жорий йил июнь ойида Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессияси доирасида Ўзбекистон тарихда илк маротаба Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди. Мазкур аъзолик Ўзбекистоннинг глобал меҳнат сиёсатида, ХМТда қабул қилинаётган қарорларида, меҳнат муносабатлари тизимини такомиллаштиришида фаол иштирок этиш имкониятини бериш билан бирга, мамлакатимизда меҳнат қонунчилигига, ратификация қилинган конвенция талабларига риоя этилиши бўйича катта масъулият юклайди.*



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз юритилди.

Унда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (8-мақсади, 8.8 вазифаси) доирасида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Вазирлик масъулларининг айтишича, жорий йилнинг 4 ойида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан 4 321 та назорат тадбири ўтказилиб, 13 322 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 1 576 та ёзма кўрсатма, 46 та тақдимнома киритилган. 2 минг 682 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш борасида шу йилнинг ўтган даврида 66 нафар ходим ноқонуний ишдан бўшатилгани сабабли ишга тикланган. 5 минг 997 нафар фуқаронинг жами 26 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги иш ҳақлари ундириб берилган. 4 663 та мурожаат қаноатлантирилган бўлса, 3 минг 434 нафар фуқаронинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Мунозаралар давомида депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этаркан, қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат муҳофазасининг тарғиботига ва амалдаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича назоратни кучайтириш, халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда меҳнат инспекторларининг қонуний ваколатларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини қайд этдилар.

Шу билан бирга, миллий барқарор ривожланиш мақсадларида назарда тутилган кўрсаткичларнинг сифатли бажарилиши, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш, мансабдор шахслар орасида мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни ва тарғибот ишларини тизимли олиб бориш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Соҳа ривожига оид таклифлар илгари сурилди

*Маълумки, шу йилнинг май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сақланишини таъминлаш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ишлар ҳолати Қашқадарё вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилган эди.*



Кеча мазкур ўрганиш якунларидан келиб чиқиб, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ушбу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Унда келтирилишича, инспекция томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида айрим истеъмолчиларнинг 1,46 трлн. сўмлик энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланган.

Энергетика тизими корхоналари ва тадбиркорлик субъектларида амалдаги қоидаларга асосан 226 марта текшириш ва ўрганиш ўтказилган. Мазкур текширувларда 14 372 та қоидабузарлик аниқланиб, қуввати 3550,4 кВт бўлган 36 та электр қурилма тармоқдан ажратилган. 2 минг 440 нафар масъул ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиб, 6 та бригада иши тўхтатилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга 966 та ёзма кўрсатма берилиб, 685 тасининг бажарилиши таъминланган.

Қайд этилганидек, энергия самарадорлиги бўйича энергоаудиторлар томонидан 147 та корхонада текширувлар ўтказилган. Шу билан бирга, республика бўйича 9 503 та маҳалла кесимида 3,9 млрд. кВт/соат электр энергия ҳамда 2,3 млрд. куб метр табиий газни иқтисод қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинган.

Тизим корхоналари тасарруфидаги объектларда, хусусан, ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ўрганишлар ўтказилган. Ушбу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилган.

Мунозаралар чоғида ҳудудларда айрим ёқилғи-энергетика ташкилотлари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилмаётгани ҳолати депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Шундан келиб чиқиб, ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сақланишини таъминлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Эшитув якунида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**КИБЕРХАВФСИЗЛИК:**

# таҳдидларнинг олдини олишда янги тартиб

*Охирги бир неча ўн йилликларда инсоният кўплаб соҳаларда, жумладан, ахборот технологиялари йўналишида ақлни шоширадиган даражадаги ютуқ ва натижаларга эришди. Унинг самарасини ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз. Бироқ ундан ёмон мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани эса, албатта, ташвишлидир.*

**Мушоҳада**

Хусусан, кибертаҳдидлар тобора кўпаймоқда. Таҳлилларга кўра, у жаҳон бўйича бир йилда 6 триллион доллар миқдорида зарар келтирар экан.

Шу боис бутун дунёда мазкур таҳдидга қарши кураш олиб борилаётир. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Аниқ айтадиган бўлсак, юртимизда банк карталаридан пул маблағлари ноқонуний ечилишининг олдини олиш ва тўлов тизимлари киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор таъсир чоралари кўрилаётир. Аммо шунга қарамай, фуқароларнинг банк карталаридан турли фирибгарлик йўллари билан маблағ ўзлаштириш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Олий Мажлис Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган "Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун шу каби ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва 8 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қўлланган жарималарда "ўта муҳим ахборот" тушунчасида муҳимлик даражасини белгилашда аниқ мезон мавжуд бўлмагани боис "конфиденциал ахборот" тушунчаси билан алмаштирилмоқда.

"Марказий банк тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган янгиликка кўра Марказий банкнинг кредит ташкилотлари ва тўлов ташкилотлари ҳамда тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ва кредит бюролари фаолиятида киберхавфсизликни таъминлашга оид ваколати кенгайтирилмоқда.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- *микромолия ташкилоти, ломбард ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, шунингдек, банклар, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюроларининг фаолиятида ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизликка таҳдидни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради;*
- *ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизликка таҳдидни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича йиллик чора-тадбирлар режаси ижроси устидан назоратни амалга оширади.*

Қонун билан "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунга айрим қўшимчалар киритилаётган бўлиб, унда банк, банклар гуруҳи ички назоратига ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир Марказий банк талаблари қаторига киберхавфсизликни таъминлаш талаби ҳам қўшилаётир. Яъни бу каби хатти-ҳаракатлар қўпол қоидабузарлик деб баҳоланмоқда.

Қолаверса, "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унда ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлигини, киберхавфсизлигини таъминлаш ва банк сирини муҳофазалаш талаблари киритилмоқда.

Қонун билан "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонунга тўлов хизматларини кўрсатишда тўлов тизими узлуксиз ишлашига таъсир кўрсатувчи қоидабузарликларни, шунингдек, ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга таъсир кўрсатувчи қоидабузарликларни Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой мобайнида бартараф этиши лозимлиги тўғрисида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганлигини ҳам айтиш жоиз.

Бундан ташқари, "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиришларга кўра, нобанк кредит ташкилотлари томонидан ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талаблар бажарилмаган тақдирда Марказий банк уларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаши мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, сўз юритилаётган қонун бугунги кунимиз учун жуда муҳим. Зеро, у кредит ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида, электрон ҳукумат тизимида ахборот хавфсизлигини кучайтиришга ва киберхавфсизликни таъминлашга ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Кобул ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

*Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши иммунитетини шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлиб, улар инсон омилисиз ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини "Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун" деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш заруратини тақозо этаётир.*

**Огоҳлик**

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 6 майдаги "Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Илғор хорижий тажриба, шу жумладан, БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.

Миллий стратегия доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда "гиёҳвандликка қарши иммунитет"ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир этувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш мақсадларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фармацевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳам устувор вазифалардандир.

Маълумки, бугунги кунда вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда ҳамда телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи ортиб бораётганлиги муносабати билан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш талаб этилаётган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан яқинда қабул қилинган ва куни кеча Сенатда маъқулланган тегишли қонун билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шубҳасиз, ушбу қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг тарғиботи ёки рекламаси ёхуд ноқонуний муомаласининг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Юртимизда ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки гиёҳвандлик нафақат бу иллат билан шуғулланувчиларга, балки бутун жамиятга таҳдид солади. Шунинг учун ҳам ҳар йили 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни, деб эълон қилинган.

Ушбу сана муносабати билан юртимизда доимий равишда тадбирлар ўтказилиб келинади. Жумладан, олий ўқув юртларида, лицей, коллеж, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида ҳамкорликда тадбирлар уюштирилиб, ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, барча меҳнат жамоасида гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида маънавий-маърифий тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

БМТ маълумотига кўра, дунёда 27 миллиондан ортиқ одамлар гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Оқибатда ҳар йили 200 мингдан зиёд кишилар ҳаётдан эрта кўз юмаётгани таассуфлидир.

Кейинги пайтларда гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг инсон саломатлигига зиёни ҳақида кўп гапирилаётганига қарамай, афсуски, айрим ёшлар бу иллат домига билиб-билмай тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Хўш, гиёҳвандликка батамом барҳам бериш, бу иллатнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак?

Бунинг учун, биринчи навбатда, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, наркотик воситаларнинг истеъмолига салбий муносабатни шакллантириш лозим.

Иккинчидан, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилиниши даркор. Демак, гиёҳвандликка қарши курашиш, ёшларни бу балодан асраш учун тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш лозим.

Учинчидан, ота-оналар фарзандларининг ички дунёсидан бохабар бўлиб бориши, хусусан, улар олаётган ахборотни — кўраётган фильм ва клипларини имкон қадар назорат қилиб туришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Сирасини айтганда, гиёҳвандликка қарамлик аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиши, аҳолининг соғлом, бехавотир турмуш кечиришига хавф туғдириши орқали миллий тараққиёт ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шундай экан, ушбу иллатга қарши курашиш нафақат ота-она ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчига айланмоғи керак. Зеро, ёшлар — эртамиз эгалари, келажак бунёдкорларидир. Уларнинг эртанги тақдирига, соғлиғига бефарқ бўлишга асло ҳаққимиз йўқ.

**Қизилгул ҚОСИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон ва Мўғулистон санъат усталари иштирокида қўшма концерт дастури бўлиб ўтди.**

# Ўзбекистон коррупциядан холи жамият қуриш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади

*Ўзбекистон Президенти томонидан шу йил 21 июнь куни имзоланган “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.*

## Дунё нигоҳи

**Александр КЛИШИН,
БМТнинг Қонун устуворлиги ва хавфсизлик институтлари бошқармаси маслаҳатчиси:**



— Ушбу ташаббус нафақат Ўзбекистон, балки халқаро майдонда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим босқичидир. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини доимий равишда ошириш тизимини жорий этишга қаратилган қатъий қарорининг самарасидир.

Ташаббус иқтисодиётнинг барча тармоғида ҳалоллик, ошкоралик ва ҳисобдорликни рағбатлантириш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга тўлиқ мос келади. Ўзбекистон коррупциядан холи жамият қуриш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади. Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилади.

**Анас КАРМАН,
БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларини ҳал қилиш учун Виртуал академия ташкил этишга оид янги қарорини Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш, давлат секторида антикоррупцион экотизимни мустаҳкамлаш ва ҳалолликни кучайтиришда жуда катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Менимча, ушбу академиянинг ноёблиги, бу платформа орқали нафақат давлат хизматчилари ва комплаенс мутахассислари ўзлари учун зарур бўлган тренинглардан фойдаланиши мумкинлиги, балки оддий фуқаролар учун ҳам кириш имконияти мавжудлигидадир. БМТ Тараққиёт дастури жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан елкама-елка туриб, ҳукуматнинг ушбу саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда платформани зарур маълумотлар ва тренинг материаллари билан таъминлайди.

**Антти КАРТТУНЕН,
ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:**



— Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясини ишга тушириш ташаббуси бугунги куннинг ва вақтнинг талабидир. Қолаверса, у соҳага оид кўплаб саволларга жавоб топишга катта ёрдам беради.

Мазкур қарор, шунингдек, яқинда давлат раҳбари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун мамлакатингизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларнинг яна бир муҳим босқичи, деб ўйлайман.

Коррупцияга қарши курашишда қонунчиликни такомиллаштиришда, Виртуал академия орқали давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашишни давом эттиришга, умуман, Ўзбекистоннинг соҳадаги саъй-ҳаракатларини кенг кўламда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

**Туя БРАКС,
Хельсинки университети қошидаги Қонун устуворлиги маркази директори:**



— Ўзбекистонда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси ҳақида фикр билдириш мен учун ёқимлидир.

Бир неча йилдан буён Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ишлайман. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш, аҳоли хабардорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Янги Виртуал академия хабардорликни ошириш, турли мақсадли гуруҳлар учун махсус курслар ишлаб чиқиш, шунингдек, ёшларни ушбу соҳани ўрганишга жалб қилиш учун яхши имкониятдир. Пировардида биз Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида гапиряпмиз. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ва аҳоли хабардорлигини кучайтириш, қонун устуворлиги тамойилларига риоя этиш юртингизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Квентир РИД,
Оксфорд университети профессори, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти эксперти (Буюк Британия):**



— Ўзбекистон Президентининг янги академия ташкил этиш тўғрисидаги қароридан жуда хурсанд бўлдим. Менимча, бу табиий жараён. Коррупцияга қарши курашишда иккита ўта муҳим йўналиш бор. Биринчиси, аҳолининг хабардорлигини ошириш, иккинчиси таълим, яъни ўқитишдир. Уларсиз коррупцияга қарши тўғри тизимни йўлга қўйиб бўлмайди. Янги академия эса бу борада жуда фойдали бўлади.

Ушбу соҳада хабардорликни оширишнинг йўли тадқиқот олиб бориш, изланиш ҳисобланади. Бу ўта муҳим. Тадқиқотсиз бизда ҳеч қандай далил йўқ, далилларсиз бизда яхши сиёсат бўлмайди. Шундай экан, академия фаолиятини йўлга қўйишга киришган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси илғор халқаро тажрибалар асосида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашда, ҳақиқатан ҳам, муҳим ишларни амалга ошириши мумкин, деб ўйлайман.

**Нурипа МУКАНОВА,
Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича ишбилармонлар кенгаши бош котиби:**



— Ўзбекистон халқи ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигини Виртуал академиянинг очилиши билан табриклайман. Ушбу академиянинг очилиши нафақат мамлакатингиз, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу коррупцияга қарши курашиш бўйича ўта муҳим чора ва коррупцияга қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи барча шахсларнинг, шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасида ўз салоҳияти, билим ва кўникмаларини ошириш истагида бўлган шахсларнинг салоҳиятини юксалтириш учун муҳим платформадир. Виртуал академия, шунингдек, ўқиб, кейин давлат хизматига кираётган ёшларга коррупцияга қарши курашиш бўйича кўникмаларини ошириш имкониятини беради.

**«Дунё» АА.**

## Саноат

# Нефтни қайта ишлаш минизаводи қурилди

*Ўзбекистон туманининг “Кичик Тагоб” саноат зонасида замонавий мезонлар асосида кичик қувватда ишловчи нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди. Заводни тўлиқ қувватда ишга тушириш мақсадида 500 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит жалб қилиниб, ҳозирда модернизация ишлари олиб борилмоқда.*



— Янги корхона ташкил этилиши учун дастлабки босқичда лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағи ва банк кредитлари ҳисобидан қарийб 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилди, — дейди Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзодбек Юлдашев. — Хусусан, Хитойдан 5 миллиард 250 миллион сўмлик ускуна ва дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

Шу тариқа заводни дастлабки синов тариқасида ишлатиш жараёни муваффақиятли амалга оширилди.

Модернизация лойиҳаси доирасида ҳар бирининг ҳажми 100 метр куб бўлган 2 та сақлагич (резервуар) қуриб битказилган бўлса, бугунги кунда умумий ҳажми 4 минг метр куб бўлган 2 та сақлагични барпо этишга киришилди. Ўз навбатида, корхонада энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш, автоматлаштириш тизимларини жорий этиш ишлари ҳам бажарилмоқда.

Модернизация жараёни бажарилгач, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ошади. Кунига 100 тонна нефть қайта ишланиши натижасида бензин, дизель ёнилғиси ва мазут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 30 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

**Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).**

## Инфратузилма

# ҚОРАДАРЁ УСТИДА 330 МЕТРЛИК КЎПРИК БАРПО ЭТИЛМОҚДА



*Самарқанд шаҳрини янги қурилаётган Ширин шаҳарчаси билан боғлайдиган Қорадарё устида кўприк қурилиши давом этмоқда. Жами узунлиги 330 метрни ташкил этувчи мазкур объектда айни чоғда ўнлаб махсус техникаларда иш олиб борилаётир.*

— Бугунги кунда 298 та бетон устун 35 метр чуқурликда ўрнатиб бўлинди, — дейди қурилиш ишларини олиб борувчи “1-Мост-отряд” МЧЖ участка бошлиғи Юсуф Мамараҳимов. — Дарёнинг ўнг қирғоғида тупроқ ташиш, бурғилаш ва бетон қуйиш ишлари олиб борилмоқда. 120 нафар қурувчи-муҳандис ва ишчи меҳнат қилаётган кўприк қурилиши 2022 йилда бошланган бўлиб, айни пайтгача 25 фоиз ишлар бажарилди.

Айтиш жоизки, мазкур улкан иншоот дарёдан 13,5 метр, “М-39” автомобиль йўлининг устидан 12 метр баландликда ўтиб, Самарқанд халқаро аэропортига олиб борувчи йўлга туташади.

— Лойиҳа қиймати 260 миллиард сўмни ташкил этувчи ушбу кўприкда 4 та асосий йўл қурилади, — дейди “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат муассасаси директори ўринбосари Акбар Мирзаев. — 2026 йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган кўприкнинг қурилиш ишларига ҳозиргача салкам 35 миллиард сўм сарфланди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).**

## Кашфиёт

# «АҚЛЛИ» ПРОТЕЗ ҚЎЛ ЯРАТИЛДИ

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали доценти, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Қудратжон Зоҳиров фикр кучи билан бошқариш мумкин бўлган ва сунъий интеллект асосида ҳаракатланадиган қўл протезини яратди.*

“Ақлли” протезнинг кўриниши оддийларидан унча фарқ қилмайди. Фақат унга махсус дастурий таъминотга эга сенсор ҳамда сенсор орқали берилган буйруқларни амалга оширадиган механизм ўрнатилган. Протез қўлнинг нуқсонли қисмига, сенсор эса соғ қисмига жойлаштирилади. Сенсор инсон миясидаги фикрни мушаклар орқали келаётган электромиография сигнали орқали ўқиб, аппаратга буйруқ юборади. Натижада механизм ҳаракатга тушади. Дейлик, сиз стол устидаги ручкани олиб, дафтарга ёзмоқчисиз. Шу ҳақда ўйлашингиз билан ручкага қўл узатасиз. Протездаги панжалар дарҳол ҳаракатга келиб, ручкани тутади ва ёзишни бошлайди.

— Бундай технология ривожланган давлатларда мавжуд, — дейди Қудратжон Зоҳиров. — Бироқ уларнинг дастурий таъминоти, ишлаш механизмлари ва функциядорлиги бир-биридан фарқ қилади. Ушбу турдаги қурилмаларни маҳаллийлаштириш орқали анча маблағ тежалиши мумкин. Айни пайтда бу технологияни янада мукаммаллаштириш устида иш олиб боряпмиз.

Ёш олимнинг айтишича, бундай протезларни юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали уларни бир неча баробар арзонлаштириш ҳамда ногиронлиги бўлган одамлар ҳаётини анча осонлаштириш мумкин.

Бундан ташқари, Қудратжон Зоҳиров жамоаси билан биргаликда спорт курашида спортчиларнинг ҳаракатларини масофавий таҳлил ва назорат қилиб бориш имконини берадиган технология яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Мазкур лойиҳада кураш спорти билан шуғулланувчи спортчиларнинг турли усуллар ва техник машқларни бажариши давомидаги ҳаракатларини таҳлил қилувчи дастурий восита яратилади. У сунъий интеллект асосида ишлайди, яъни спортчининг жисмоний ҳолати қай даража эканини башорат қилади.

Эътиборли томони, тадқиқотчи мазкур лойиҳа учун 500 миллион сўм миқдоридаги давлат дастурлари доирасидаги грантни ҳам қўлга киритибди.

— Ушбу молиявий кўмак ишимиз учун зарур технологияларни харид қилиш ва изланишларни изчил давом эттиришимиз учун жуда катта мадад бўлди, — дейди тадқиқотчи. — Айни пайтда бу лойиҳанинг илмий ечимлари устидаги ишларимиз якунланди. Энди дастурий восита ҳамда зарур механизмларни тайёрлашга киришамиз. Йил якунига қадар ушбу технологияни яратиш ишларини ҳам тўлиқ якунлаймиз.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).**



# Мавлавий Намангоний мақбараси мукаммал таъмирланди

*Янги Наманган туманида жойлашган ушбу мақбара XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур шоир ва олим Мавлавий Намангоний хотирасига бағишлаб қурилган. Салкам уч аср илгари бунёд этилган иншоот сўнгги бор бундан ярим аср муқаддам таъмирдан чиқарилган, кейинги пайтларда эса қаровсиз ҳолатда эди. Реконструкция ва мукаммал таъмирдан сўнг кўркам тус олган ушбу мажмуа зиёратчилар учун ўз эшигини очди.*

## Ободлик

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов, Ўзбекистон маданият вазири Озодбек Назарбеков, секторлар раҳбарлари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда Мавлавий Намангоний номи билан машҳур шоир ва олим Муллахўжа Намангонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз борди. Якунда наманганлик етти уламо, жумладан, Мавлавий Намангоний қолдирган маданий меросга бағишлаб тожикистонлик олим Содирхон Умаров муаллифлигида янги нашрдан чиқарилган “Хафт бузруги Намангон” китоби тақдим этилди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Наманган вилоятида 300 га яқин маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Бугунги кунда туризмни ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу маскан ва зиёратгоҳларни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).**

# Бунёдкорлик руҳи билан яшаётган одамлар

*Тўрттала фасл ҳам ҳусну таровати билан келадиган ўлкамизда авжи ёз мавсуми. Бир қараганда бу йилги жавзонинг кириши бурунгисидек: жазирама кунлар ҳовури, унинг тафтини босувчи оқшомги эпкинлар, пишиқчилик...*

## Таассурот

Ҳа, бизнинг ёз айни пишиқчилик палласи.

Таътилга чиққан болаларни олиб, қишлоққа йўл солдик. Бизнинг ота макон Самарқанднинг жануби-шарқий томонида, Зарафшон дарёсининг асосий ирмоқларидан бири ҳисобланадиган узоқ тарихга эга Дарғом каналига яқин ерларда жойлашган Равот қишлоғидир. Қишлоқ оқсоқолларининг айтишича, Равот ва унга ёндош маҳаллалар — Нурафшон, Украч, Найман, Узунқишлоқ каби бир нечта қишлоқлар ўрнида Амир Темур даврида хушҳаво Давлатобод боғи барпо этилган бўлиб, ҳозир ҳам “Давлатобод” атамаси истеъмолда кенг қўлланилади.

Қишлоқ ҳар доимгидек сокин ва саришта. Одамлар ўз кундалик юмушлари билан банд. Эътибор берилса, уларнинг қўли қўлига тегмайди. Айни пайтда ўша азалий — ўзаро меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, хайр-саховат ришталари мустаҳкам. Энг муҳими, ҳамқишлоқлар кайфияти аъло, рўзғори бут, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Улар илгаригидек кунни “бўлаверади” қабилида ўтказмайди, дунёдан хабардор, замон билан ҳамнафас. Бирови уй қурган, том ёпган, яна бошқаси тўй тараддудида, бирови илм истаб шаҳарга борган, дунё кезган ва ҳоказо.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайган, янги саломатлик муассасаси ва ўқув маркази иш бошлаган, қатор дўконларнинг барида савдо-сотиқ бўлиб турибди. Гилос, олча, ўрик ғарқ пишган. Мазаси тилни ёради. *“Рубъи мускунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур”*, дея мақталувчи “Бобурнома”да Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанднинг меваларини тавсифлар экан: *“Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамъи меваси хўб бўлур”*, деб баён қилади. Дарҳақиқат, бозорларни айлансангиз, маҳаллий савдогарлардан ташқари бошқа вилоятлардан келиб мавсумий меваларни улгуржи харид қилаётганлар кўплигига гувоҳ бўласиз.

Қути-қути гилосларни машина юкхонасига авайлабгина жойлаётган савдогарни суҳбатга тортдик:

— Россияга экспортга чиқарамиз. Ҳозирга қадар гилос ортилган учта катта юк машинаси жўнаб кетди. Ҳар мавсумда ўзим 5 — 7 тонна мева тайёрлаб бераман. Шукр, бу йил ҳам ҳосил мўл. Баракасини берсин, — дейди Жаҳонгир Раҳмонов. — Сал аввал ижтимоий тармоқларда “Бозорлар бўм-бўш, харидор йўқ”, деган бир видео тарқалди. Шу видеоларни тайёрлаб тарқатганларни ўзимизнинг Чоршанба бозорига таклиф қилиш керак, деб ўйлаб қоламан. Ўз номи билан фақатгина ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари ишловчи бу бозор шу қадар гавжумки, игна ташласа, ерга тушмайди. Ахир, шу эмасми фаровонлик, тўкинлик ифодаси?! Бу бозор марказий бўлмаса ҳам, ҳар иш кунида узоқ-яқиндан келувчиларга хизмат кўрсатади. Маҳаллий аҳоли томорқасида етиштирган картошками, пиёз, сабзими, кўкатми рўзғоридан ортганини шу бозорга олиб чиқади. Нарх-наво ҳам шунга яраша: чўнтакбоп. Элнинг бозорида барака бор, файз бор. “Меҳнат билан ер кўкарар, дуо билан — эл”, деб бежиз айтишмайди.

Хабарингиз бор, айни пайтда Мадинаи мунаввара, Маккаи мукаррама шаҳарларида ҳаж амалларини адо этганлар юртга қайтишмоқда. Қишлоқдошимиз Ўғилой Йўлдошева ҳам улар орасида.

Ўғилой онанинг оила аъзолари, яқинларига юборган илиқ фикрлари, илк таассуротлари бизни ҳам тўлқинлантирди.

— Самолётга ўтирганимизданоқ бу йилги мавсумга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик, — дейди у. — Таомномамизда оқсилга бой, фойдали маҳсулотлар киритилган. Саудия Арабистонига етиб борганимизда эса бизни гуллар билан кутиб олишди. Гид-таржимон ва ҳайдовчиларнинг сермулозамат экани, ёши улуғларга тавозе билан хизмат кўрсатиши бизни хурсанд қилди. Айниқса, Президентимизнинг Мусулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилиб, бизнинг аҳволимизни, кайфиятимиз, саломатлигимизни сўраб тургани биз, зиёратчиларнинг кайфиятини, руҳини янада кўтармоқда. Давлатимиз раҳбарининг бундай жонкуяр экани, ҳар бир вазиятдан хабардорлиги бу ердаги бошқа мамлакатлардан келган меҳмонларнинг бизга ҳавас билан қарашига сабаб бўлди. Ўз навбатида, халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги учун дуолар қиляпмиз.

...Қишлоқдошимиз Даврон аканинг иккала фарзанди ҳам Президент мактаби ўқувчилари. Улар ҳам таътилда уйга қайтишган. Катта ўғли ахборот технологиялари соҳасига қизиқаман деса, кичиги эколог бўламан, сувни тежовчи ихтиролар қиламан, дейди. Бир эмас, иккита фарзандининг бундай нуфузли мактабга кириш имтиҳонларидан юқори натижа билан ўтгани, бунинг учун нималар қилиш кераклиги кўпчиликка қизиқ.

— Бунинг киши билмас сири йўқ. Қаерда зўр ўқитувчи дарагини эшитсам, бўлди. Ёзни ёз, қишни қиш демай, масофа чамаламай, олис бўлса ҳам, фарзандларимни олиб бордим. Улардан бир масала ечишни ўрганса ҳам катта гап деб билдим. Тинимсиз қилинган меҳнат самарасини бермай қолмайди. Айниқса, билим олиш учун сарфланган харж кун келиб, ўзининг натижасини кўрсатади, — дейди Даврон Тожиев.

Чиндан ҳам, бугунги қишлоқ одамлари — янгича фикрловчи, чинакам зиёли, миришкор деҳқон, савдогар тадбиркорлар. Бу ернинг ёшлари ҳам тараққиётнинг бош мезони илм-маърифат эканини теран англаган, шу йўлда илдам кетаётган келажак бунёдкорларидир. Боқимандалик кайфиятида, ўзида бор имконни ишга солиб, ҳаётини обод қилиш ўрнига бировнинг қўлига қараб яшаётганлар ҳам атрофидаги одамларнинг турмушига бир разм солса, ўрнак олса, ўтган кунидан эртанги куни чиройли бўлиши учун интилса, ажабмас.

**Наргиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).**

**Шу йил 26 сентябрь куни Лондондаги Британия музейида «Ипак йўллари» кўргазмаси ўз ишини бошлайди. Унда Ўзбекистоннинг музей коллекцияларига мансуб 14 та экспонати намойиш этилади.**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТГА БЕРИЛГАН МУНОСИБ БАҲО

1

Албатта, мамлакатимизда очиқлик, ошкоралик, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлигига шарт-шароит яратиш, оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият”га айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлардан эзгу муддаолар кўзланган. Биз мана шу йўлдан собитқадамлик билан олдинга интилибгина ривожланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини қура оламиз.

Табрикда таъкидланганидек, бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда. Бу эса соҳа вакиллари зиммасига миллий манфаатларимиз ҳимоячиси бўлиш, жон ва руҳ мудофаасига кўмаклашишдек залварли вазифаларни қўяди. Ана шу мураккаб, машаққатли, шу билан бирга, ниҳоятда шарафли иш журналистлардан катта билим, салоҳият, юксак ватанпарварлик, жасорат ва матонат, касбга садоқатни талаб этади. Шу боис мамлакатимизда кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Дунёда глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашаётган, ахборот олиш ва узатиш макон ҳамда замон чегараларини тан олмаётган ҳозирги даврда медиамаконни сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ҳам ахборот сиёсатининг ўта муҳим қисмидир.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тақдирланган соҳа фидойиларига орден ва медалларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Тантанада санъат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури йиғилганларга байрам кайфиятини бахш этди.

**«Халқ сўзи».**

*Президентимиз Фармонига кўра ҳамкасбимиз — “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири Сергей Левченко (суратда ўнгдан иккинчи) ҳам “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.*

*Таҳририят жамоаси жонкуяр ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан табриклайди. Унга келгусида ҳам ижодий муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилайди.*

# Сўз айтиш масъулияти ва шарафи

*Президентимиз раҳнамолигида суратан ва сийратан янги давлат, янги жамиятни барпо этишдек улуғвор мақсад йўлида жадал ислоҳотлар олиб борилар экан, мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини чинакам мулоқот майдонига, эркин фикр минбарига айлантиришга алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас.*





Бинобарин, сўз эркинлигини қарор топтирмай туриб, инсонларнинг қадр-қимматини кўтариб ҳам, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб ҳам бўлмайди. Давлат органларининг очиқлиги, шаффофлиги, халқ билан мулоқотга доим тайёрлиги ва манфаатларига жавоб бериши дунё тан олган демократик қадриятлар ҳисобланади. Ана шу қадриятлар устуворлигига эришишда эса оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс.

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда халқ билан мулоқот тизимини яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Президентимизнинг “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир”, деган эзгу ғояси барча давлат ташкилотлари ва идоралари фаолиятининг негизига айлантирилмоқда. Шу билан бирга, халқнинг олдида ҳисобдорлиги, оммавий ахборот воситалари учун очиқлиги таъминланмоқда.

Ана шундай эътибор ва қўллаб-қувватлов, юксак ишонч, ўз навбатида, медиасоҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Зотан, бугунги глобаллашув даврида жаҳондаги илғор ахборот агентликлари, медиакомпаниялар, машҳур нашрлар билан тенгма-тенг фаолият юритиш, миллий манфаатларга мос ва моҳият-эътибори билан мамлакатимизда юз бераётган воқеликларни қамраб оладиган ахборот тарқатиш, қисқача айтганда, халқ овозига айланиш, Ўзбекистон номидан сўз айта олиш осон эмас. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакиллари нафақат профессионал билим ва малакага, кенг тафаккур ва дунёқарашга, катта ҳаётий тажрибага, айни чоғда, ўз сўзи учун масъулият ҳиссига, кучли фуқаролик позициясига, юксак маънавий жасоратга ҳам эга бўлиши керак.

Кўринишидан оддийдек туюладиган журналистик фаолиятнинг ўзи ҳам аслида, ғоят мураккаб жараён. Биргина матбуотни олайлик. Мухбирнинг муайян воқеа-ҳодиса ҳақида бир хабар тайёрлаб, уни газета саҳифалари орқали ўқувчиларга етказиш жуда катта меҳнатни, билим ва интилувчанликни талаб этади. Таҳририят ходими дастлаб ҳодиса юз берган жойга боради, воқеликни ўз кўзи билан кўради, унинг сабаб ва оқибатларини ўрганади. Мутасаддилар билан гаплашади, иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олади. Бу вазиятни реал баҳолаш имкониятини беради. Истиқболларни таҳлил қилиш учун мутахассисга юзланади. Ушбу жараёнларда қанчадан-қанча ҳиссиётларга, ҳаяжонларга рўбарў бўлади. Уларнинг барчасини юракдан ўтказади, билим ва тафаккури ила таҳлил қилади. Ана шундай машаққатли меҳнатлар эвазига воқелик бор кўлами, маъно-мазмуни ила қоғозга тушади.

Энди матбуот ишидаги кейинги босқич бошланади. Мухбир томонидан тайёрланган хабар бир неча муҳаррирлар томонидан таҳрирдан ўтказилиб, котибиятга берилади. Бу ерда медиамаҳсулот маълум дизайнга солиниб, суратлар билан бойитилиб, газетанинг электрон ҳолатига мувофиқлаштирилади. Барча босқичдан ўтган газетанинг электрон версияси чоп этиш учун нашриётга юборилади. Матбаачилик ва чоп қилинган матбуот нашрларини ўқувчиларга етказиш ҳам улкан меҳнатни, қунт ва саботни талаб этади. Хуллас, жараённи шарҳлайверсак, гап кўп.

Энг муҳими, ана шундай оғир, айни вақтда шарафли меҳнатни қилаётган журналистлар ҳамда матбаа тизими вакиллари бугун эъзоз ва эҳтиром кўрмоқда. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда кенг нишонланаётгани, мазкур байрам муносабати билан бир гуруҳ соҳа жонкуярлари Президентимиз Фармонига кўра турли давлат мукофотлари билан тақдирланаётгани меҳнатлар, изланиш ва интилишларнинг эътирофи ўлароқ соҳа вакилларини мамнун этиб, уларни янги марраларга руҳлантириб келмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**“Маданият ва маърифат” телеканали директори:**



— Кейинги йилларда “миллий адабиёт”, “миллий мусиқа”, “миллий либос” каби атамалар сафи яна биттага кўпайди, яъни одамлар орасида “миллий журналистика” деган тушунча ҳам фаол ишлатила бошланди. Хўш, бу атама замирида қандай маъно мужассам?

Фикримча, миллий журналистика миллатимизнинг ўзлигини кўрсатиши керак бўлган соҳа ҳисобланади. У бугун юксалиш томон дадил одимламоқда, бунда ҳар биримизнинг улушимиз бор, албатта. Аммо бу етарли эмас, қилишимиз керак бўлган ишлар ҳали кўп, елкамизда улкан масъулият турганини унутмаслигимиз даркор.

Юртбошимизнинг ўзи бизга барча шароитни яратиб бераётгани, катта-кичик йиғилишларда алоҳида куюнчаклик билан гапираётгани ортида ҳам улкан ишонч ётибди. Масалан, давлатимиз раҳбари ўтган йилги байрам муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида “Давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр”, дея таъкидлагани ҳаммамизни жуда қувонтирган, янги марралар сари илҳомлантирганди.

Журналистика — жуда масъулиятли соҳа. Сўз айтишнинг залвари оғир. Таассуфки, бугун баъзи нашрлар, ижтимоий тармоқлар бирор янгиликни ҳаммадан аввал омма эътиборига ҳавола қилиш илинжида кимўзар ўйнаб, нотўғри ёки хато маълумот етказиб қўяётгани ҳам бор гап. Пировардида инсон онги хасталаниб, керак-нокерак маълумотлар уюми билан тўлиб кетмоқда. Унутмаслик лозимки, ҳақиқий журналистнинг вазифаси — одамларга тўғри ва холис ахборот етказишдир. Шукрки, юртимизда нонини ҳалоллаб еяётган, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган журналистлар талайгина.

Журналистларимиз касбига садоқатли, ҳақиқат ва адолат кураши йўлида доим собитқадам бўлса, келгусида миллий журналистикамиз ривожи янги босқичга кўтарилишига ишончим комил.

**Эркинбек СЕРИКБАЙ,**
**журналист (Қозоғистон):**



— Кўплаб касблар қатори журналистика ҳам ўта машаққатли ва инсондан кўп меҳнат талаб этадиган соҳа. Журналистлар касбий фаолияти давомида ана шу машаққат ва қийинчиликларни қай даражада енгиб ўтиши эса эгаллаган касбий кўникма ва билими, тажрибасига боғлиқ. Бугун бутун дунё бўйлаб ана шундай журналистларга талаб ошмоқда. Улардан бир вақтнинг ўзида дунёдан хабардор, нотиқ, тарихчи, сиёсатчи, хуллас, ҳамма касбларни эгаллаган инсон бўлиш талаб этилмоқда.

Бундан бир неча йиллар илгари ўзбек матбуоти, унинг тарихи ва бугуни билан қизиққанимда бу соҳанинг тамал тошини маърифатпарвар жадидлар қўйганига гувоҳ бўлдим. Айниқса, уларнинг “Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим”, деган фикрлари мени тўлқинлантирди, муҳим сабоқ бўлди. Тарих китобларини варақласак, улар ўз даврида даврий босма нашрлар ташкил этгани ва аксарияти бутун туркий ўлкаларда қўлма-қўл ўқилганига шоҳид бўламиз.

Бугун Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари, журналистларга эътибор янада кучайгани, айниқса, ёш кадрларни тайёрлаш масаласига катта эътибор берилаётганидан хабардорман. Масалан, Тошкентда Марказий Осиёдаги ягона бўлган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилган ва бу масканда ҳозир кўплаб мутахассислар тайёрланмоқда. Шунингдек, қатор олийгоҳларда ҳам журналистика йўналишлари мавжудлиги, ёшларнинг у ерда таълим олишга қизиқиши ортаётгани ҳам қувончли ҳолат. Бир қанча танишларим айни пайтда мазкур билим даргоҳларида ўқишмоқда, баъзилари ўқишни тугатиб турли нашрлар, теле ва радиоканалларда фаолият юритмоқда.

**Оқшин ЕНИСЕЙ,**
**Озарбайжон давлат ахборот агентлиги ходими:**



— Журналистика жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, десак, янглишмаймиз. У нафақат ахборот тарқатади, балки уни кенг омма олдида таҳлил қилиб, ўқирманларни ўйлаш, мушоҳада юритиш ва ўз фикрини очиқ айта олишга ундайди. Журналистнинг қудрат кўлами бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра кенг, чунки ҳозирда ахборот майдони янада кенгайган, турли босма нашрлар, телевидение ва радио билан бирга интернет порталлари, сайтлар ҳам фаол ишламоқда.

Тўғри, четдан қараганда журналистлар қоғоз-қалам ёки микрофон кўтарган оддий одамга ўхшаса-да, аслида елкасига катта вазифани олган касб эгаларидир. Улар мавжуд муаммоларга ечим излайди, ўз фикрини ҳайиқмасдан айтади, шу орқали жамиятни олға бошлайди. Бу пайтда у мақсадидан нотўғри йўлга оғишмаса, мақтовларга учмаса, ўзини тутиб олса бас, марра уники.

Мен ўн беш йилдан буён, аниқроғи, туман газетасидаги мухбирликдан бошлаб журналистика соҳасида ишлаб келаман. Фаолиятим жараёнида шуни англаб етдимки, бу соҳанинг ўзига хос мушкул ва қувончли томонлари бор. Таъбир жоиз бўлса, сиз биттагина мақолангиз билан халқ орасида машҳур бўлишингиз ёки маломатга қолишингиз ҳеч гап эмас.

Ўзбекистонда матбуот, ҳамкасбларим учун кўплаб имкониятлар борлиги, журналист дўстларим эмин-эркин ишлаб, ўз сўзини айта олиши учун шароитлар яратилгани борасида кўплаб маълумотларга эгаман. Хусусан, қардош ўлкада соҳа ходимлари учун алоҳида байрам жорий этилгани, у ҳар йилнинг 27 июнь куни бутун мамлакат бўйлаб катта шодиёна ўлароқ нишонланиши, бу кунда кўплаб журналистлар совға-саломлар, асосийси, эътибор билан сийланиши сўзимнинг тасдиғидир.

Фурсатдан фойдаланиб, йўлимиз бир, мақсадларимиз муштарак бўлган дўстларимни касб байрами билан қутлайман!

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## 30 июнь — Ёшлар куни

# КЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ, ЮЗЛАРДА ТАБАССУМ

## *Навқирон авлод байрамни кўтаринки руҳда нишонламоқда*

*Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Ушбу байрам муносабати билан анъанага мувофиқ, июнь ойи юртимизда “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилиниб, маҳалла — сектор — туман — ҳудуд — республика даражасида ёшлар фестиваллари, форумлар, интеллектуал танловлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда галаконцертлар ташкил этилмоқда.*

Ойлик доирасидаги биринчи тадбирни мамлакатимизнинг барча ҳудудида 3 июнь куни “Тадбиркорлик ва касб-ҳунар ҳафталиги” бошлаб берди. Сўнгра 12 — 17 июнь кунлари “Илм-фан ва инновациялар ҳафталиги”, 19 — 24 июнь саналарида эса “Таълим ва китобхонлик ҳафталиги” бўлиб ўтди. Эртага “Маданият, санъат ва ижод ҳафталиги” старт олади.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда маҳалладаги ёшлар билан ишлаш тизими янги босқичга кўтарилди. Бу йил маҳалла ёшлари ўртасида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида волейбол, стритбол ва кураш мусобақаларининг маҳалла босқичлари, “Мушоира”, “Ибрат” ва “Заковат” танловларининг сектор босқичлари, футбол ва минифутбол мусобақаларининг туман ва шаҳар босқичлари, енгил атлетика, стол тенниси, воркоут мусобақалари ҳамда “Ёш китобхон оила” танловининг ҳудудий босқичлари, “Беш ташаббус паралимпиадаси”нинг республика босқичи ўтказилгани уларга қатор имкониятларни тақдим этди, десак, муболаға эмас.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги сайилгоҳлар, маданият ҳамда истироҳат боғларида рассомлар кўргазмалари, мушоира кечалари, интеллектуал ўйинлар, турли викторина ва галаконцертлар ташкил этилгани уларни ҳам қувонтирди, ҳам янги марралар сари илҳомлантирди.

Ойлик доирасида вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда хўжалик бирлашмалари ходимлари ўртасида “Йилнинг энг фаол ёш ходими” кўрик-танлови, “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу уларга турли ташкилотларда фаолият юритаётган ҳамкасблари билан яқиндан танишиш, фикрлашишлари учун йўл очди.

Яна бир қувонарли ҳодиса шуки, бу йил нафақат юртимиздаги, балки хориждаги ёш ватандошларимиз учун давлатимизнинг дипломатик корпуси вакиллари томонидан байрам дастурлари ташкил этилмоқда. Пировардида, улар ҳам катта шодиёнанинг иштирокчисига айланмоқда.

Жорий йилнинг яна бир муҳим янгиликларидан бири — давлатимиз раҳбарининг халқаро тадбирларда билдирган таклиф ва ташаббуслари ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда илк бор ўтказилаётган Бутунжаҳон ёшлар фестивалидир. У мамлакатимизнинг 5 та ҳудуди — Тошкент шаҳри ва вилояти, Хоразм, Бухоро ҳамда Самарқандда бир вақтнинг ўзида бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль доирасида 15 та халқаро тадбир уюштирилиб, уларга 150 та давлатдан минг нафар хорижий иштирокчи таклиф этилган. Тадбирнинг очилиш маросими кеча Самарқанд шаҳридаги “Боқий шаҳар” мажмуасида бўлиб ўтди.

Ҳафта давомида тадбирлар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент шаҳри ва вилоятида алоҳида дастурлар асосида ўтказилади. Йигит-қизлар ўртасида сифатли таълим, талабалар алмашинуви ва инновация соҳаларида ҳамкорлик бўйича 2 та сессияда муҳокамалар олиб бориладиган I Ўзбекистон — Япония ёшлар форуми, IT соҳасидаги сўнгги тенденциялар, киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва бошқа тегишли мавзулар ҳақида панель сессиялар, маърузалар ва семинарлар бўлиб ўтадиган Жанубий Корея ва Марказий Осиё ёш лидерлар форуми, фан, маданият, спорт, тадбиркорлик, ижтимоий муҳандислик, таълим ва ижодий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти ёшлар форуми каби бир қатор тадбирлар шулар жумласидан.

— 27 — 30 июнь кунлари Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ, Зарафшон, Буюк Турон ва Матбуотчилар кўчаларида 20 та павильондан иборат “Ёшлар шаҳарчаси” ташкил этилади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дилноза Каттахонова. — Ушбу павильонларда мамлакатимиз ёшлари ҳамда хорижий меҳмонлар учун танловлар, тақдимот ва кўргазмалар ўтказилади. Фестиваль иштирокчилари павильонлардаги машғулотларни бажариб, балларни қўлга киритиши ва тўплаган балларини китоблар, спорт, санъат, таълим тўгаракларига ваучерлар, совғаларга алмаштириши мумкин бўлади. Бу йил ёшлар байрами ўзгача ўтмоқда, буни уларнинг кўзидаги қувонч, юзларидаги табассумдан билиб олиш қийин эмас.

Шунингдек, фестиваль доирасида “Бетакрор Ўзбекистон” фотокўргазмаси, кўзи ожиз ёшлар иштирокида “Орзу” хайрия кўргазмаси, ўзбек санъати ҳафталиги ва миллий либослар намойиши, очиқ осмон остида концерт дастурлари, кино намойишлари, турли миллат ёшларининг паради, ёш дипломатлар саммити, БМТ модели, ўзбек тилида “Қувноқлар ва зукколар дўстлик кубоги” мусобақаси, турли соҳа вакилларининг ёшлар билан учрашувлари ва маҳорат дарслари ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

“Ёшлар ойлиги” ва Бутунжаҳон ёшлар фестивали 30 июнь куни пойтахтимиздаги “Humo Arena” мажмуасидаги катта байрам дастури билан якунланади.

**«Халқ сўзи».**

**2024/2025 ўқув йилида олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул бўйича тест синовларида иштирок этиш учун жами 894 279 нафар абитуриент рўйхатдан ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6